БИЗНИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ БУНЁДКОР ХАЛҚИМИЗДИР!

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

UZBUNYODKOR
UZBUNYODKOR
uzbunyodkori@mail.ru

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

№82 (227) 2018 йил 19 октябрь, жума

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

## РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни давлатимиз раҳбари кутиб олди. Президентлар шу ерда қисқа суҳбат ўтказди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 19 октябрга белгиланган.

Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, турли соҳаларда янги қўшма лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш истиқболларини муҳокама қилади, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашади.

Ташриф якунида давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти қабул қилиниши, йигирмага яқин ҳужжат имзоланиши режалаштирилган. Шунингдек, Ўзбекистон ва Россия ҳудудлари ҳамда ишбилармон доиралари ўртасида йирик инвестиция ва савдо шартномалари имзоланиши кўзда тутилган.

**ЎзА.**

## Москвада Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳайкали очилди

Шу йил 18 октябрь куни Москвада Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов ҳайкалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маросимда Ўзбекистон делегацияси таркибида мамлакатимиз парламенти аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, ҳукумат вакиллари, илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат намояндалари, шунингдек, Россия пойтахтида таълим олаётган, меҳнат қилаётган ҳамюртларимиз иштирок этди.

Биринчи Президентимиз ҳайкали ўрнатилган Ислом Каримов номидаги хиёбонда Россия қонунчилик органлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, Москва шаҳри жамоатчилиги вакиллари ҳам жам бўлишди.

Кўп миллатли халқимиз ва Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путинга, Москва шаҳри раҳбарияти ва жамоатчилигига Ислом Каримов хотирасига бажо келтирилган юксак ҳурмат учун чуқур миннатдорлик билдирилди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Н. Йўлдошев Москвада Ислом Каримов ҳайкалининг очилиши Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи бошланаётган кунда бўлиб ўтаётгани чуқур рамзий маънога эга эканини таъкидлади. Бу умумий тарих, муштарак маданият, икки халқни боғлаб турган минглаб қардошлик ришталарига асосланган Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётганидан далолат экани қайд этилди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов ўзининг кўп қиррали сиёсий фаолияти билан мустақил Ўзбекистон тарихида ўчмас из қолдирди. Ўзбек халқи Биринчи Президентини ардоқлар, ҳурмат қилар ва у билан фахрланар эди. У барчамиз учун доимо ўз халқи ва Ватанига фидокорона хизмат қилишнинг ёрқин намунаси бўлиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов ва Россия Президенти Владимир Путиннинг саъй-ҳаракатлари билан мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик ва иттифоқчилик даражасига кўтарилди.

*(Давоми 2-бетда)*

## Ўзбекистон – Россия ҳудудлараро ҳамкорлик форуми

«Ўзэкспомарказ»да 18 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги биринчи ҳудудлараро ҳамкорлик форуми ўз ишини бошлади.

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири Ботир Хўжаев, Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Владимир Тюрденев, Россия қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари Сергей Левин сўзга чиқди.

Таъкидланганидек, мамлакатларимизнинг турли соҳалар бўйича ҳамкорлиги кенгайиб, иқтисодий алоқалар изчил ривожланмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил апрель ойида Россияга давлат ташрифи ҳамкорликни янги босқичда давом эттириш имконини берди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми изчил ортиб бормоқда. Хусусан, сўнгги вақтларда қишлоқ хўжалигида бу кўрсаткич икки баробар ўсган. Бугунги кунда мамлакатимиз савдо айланмасининг қарийб 18 фоизи Россия ҳиссасига тўғри келади.

Форум икки мамлакат вазирлик ва идоралари, ҳудудлари раҳбарлари, ишбилармон доиралари вакилларининг бизнес нонуштаси билан бошланди. Унда мамлакатларимиз ҳудудларининг экспорт салоҳияти, Ўзбекистондаги янги иқтисодий зоналар истиқболлари, хорижий инвестицияларни жалб қилиш соҳаси қонунчилигини такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Тадбир шўъба мажлисларида давом этди. «Ўзбекистон – Россия минтақавий ҳамкорлиги: лойиҳалар ва кластерлар янги босқичи» мавзусида бўлиб ўтган сессияда Ўзбекистон саноатида кластер услубини қўллаш тажрибаси ва истиқболлари, саноат кластерлари корхоналарининг рақобатбардошлигини таъминлаш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш каби масалалар муҳокама қилинди. Мажлисда саноат ва илмий-техникавий соҳаларга инвестицияларни жалб қилиш бўйича қулай шароит яратиш, технопарклар ва кластерларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан Россия кластер ва технопарклари уюшмаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

«Рақамли трансформация – Ўзбекистон ва Россия учун янги воқелик» мавзуидаги шўъба мажлиси икки мамлакатда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш масалаларига бағишланди.

Бугунги кунда мамлакатларимизнинг ахборот коммуникациялари соҳасидаги муносабатлари қатор муҳим йўналишларда олиб борилмоқда. Телекоммуникация тармоқлари ва почта алоқасини ривожлантириш, юқори технологияли саноат тармоқлари учун кадрлар тайёрлаш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар шулар жумласидан. Хусусан, «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси кўп йиллардан буён Россиянинг «Ростелеком», «ВимпелКом», «Мегафон» жамиятлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

*(Давоми 2-бетда)*












## Ўзбекистон – Жанубий Корея: қурилиш соҳасидаги ҳамкорлик ривож топмоқда

Тошкент шаҳридаги Miran International Hotel Tashkent меҳмонхонасида Ўзбекистон ва Жанубий Корея давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик доирасида «Ўзбекистонда қурилиш технологиялари кўргазмаси 2018» («Construction Technology Fair in Uzbekistan 2018») халқаро анжумани бўлиб ўтди.

Корея Республикасининг фуқаролик қурилиши ва қурилиш технологиялари институти (KICT) томонидан Жанубий Кореянинг Ер ресурслари, инфраструктура ва транспорт вазирлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳамда «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда ўтказилган тадбир давомида мамлакатимизда қурилиш соҳасини ривожлантириш, халқаро тажрибаларга асосланган ҳолда соҳага янги технологияларни жалб қилишга қаратилган мавзулар бўйича конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда Корея Республикасидан ташриф буюрган делегация аъзолари, халқаро молия муассасалари вакиллари, шунингдек, юртимиздаги қурилиш соҳасида фаолият юритувчи корхона ва идоралар, инжиниринг компаниялари, лойиҳа институтлари, қурилиш ва пудрат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этишди.

*(Давоми 3-бетда)*

Ўзбекистон – Россия таълим форуми

## Ҳамкорликнинг янги қирралари

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида кўплаб муҳим анжуманлар, форум ва тадбирлар ўтказилмоқда. Ўзбекистон – Россия таълим форуми улар орасида алоҳида аҳамият касб этади.

Илк маротаба ташкил этилаётган мазкур форум икки мамлакатнинг олий таълим тизими, илм-фан, инновацион технологиялар соҳаси мутасаддилари, олимлар, профессорлар, педагогик жамоатчилик, ёш тадқиқотчиларни ўз атрофига жамлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. Абдувоҳитов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Абдуҳакимов, олий таълим вазири И. Мажидов, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори А. Мараҳимов, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори Б. Ходиев ва бошқалар кейинги йилларда янгиланиш жараёнлари таълимнинг барча бўғинлари, жумладан, олий таълимда ҳам ўз ифодасини топаётганини таъкидлади.

*(Давоми 2-бетда)*

## Олмалиқда Россиянинг нуфузли университети филиали иш бошлади

Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳрида Россия Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси Миллий технологик тадқиқотлар университети – МИСиС филиалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон – Россия биринчи таълим форуми доирасидаги тадбирда Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазири И. Мажидов, Россия фан ва олий таълим вазири М. Котюков, МИСиС ректори А. Черникова, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А. Хурсанов иштирок этди.

Ўзбекистонда кейинги йилларда таълим тизимида туб ислоҳотлар амалга оширилаётгани, жумладан, тор ихтисосликдаги мутахассислар тайёрлаш бўйича икки давлатнинг илғор олий таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилаётгани таъкидланди.

Тошкент вилояти улкан саноат салоҳиятига эга. Сўнгги йилларда вилоятда ёқилғи-энергетика, тоғ-кон, кимё ва бошқа соҳаларда замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маҳаллий хомашё асосида янги турдаги маҳсулотлар тайёрлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

*(Давоми 2-бетда)*









Олмалиқда Россиянинг нуфузли университети филиали иш бошлади



# Ҳамкорликнинг янги қирралари

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугунги кунда олий таълимнинг барча учун баробарлиги, очиқлиги, унга ёшлар қамровини тобора кенгайтириш, ўқув масканлари базасини мустаҳкамлаш, олий таълим тизимига қабул жараёнининг холислиги, шаффофлигини таъминлаш, жаҳоннинг энг нуфузли университетларининг филиалларини юртимизда ташкил этиш йўлида барча саъй-ҳаракатлар сафарбар этилмоқда. Меҳнат бозори талабларига мос бўлган кўплаб янги мутахассисликлар, йўналишлар ташкил этилгани, олий таълимда кундузги бўлим билан бирга сиртқи ва кечки бўлимлар очилгани, таълимда сифат жиҳатдан туб ижобий ўзгаришлар сари қадам қўйилаётгани, барча бўғинларда ўқитиш жараёни тарбия билан бевосита боғлиқ ҳолда олиб борилаётгани мамлакатимиз олий таълим тизимининг янада жозибадорлигини таъминламоқда.



«Янги иқтисодиёт учун – янги кадрлар» мавзусида ташкил этилган мазкур форумда ушбу йирик тадбирнинг Ўзбекистон ва Россия маърифий ҳаётида муҳим воқелик экани алоҳида таъкидланди.

Россия Федерацияси Президентининг ҳудудлараро ва хорижий мамлакатлар билан маданий алоқалар бошқармаси бошлиғи Владимир Черновнинг таъкидлашича, ўтган чорак аср мобайнида мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар наинки сиёсий-стратегик жиҳатдан, балки ўзаро манфаатли, ишончли, самимий ҳамкорлик асосида кенг йўлга қўйилди. Бунда ўзаро келишув ҳужжатларининг имзоланиши баробарида уларни ҳаётга жорий этиш ҳам муҳимдир. Бу эса ўзаро мулоқотнинг мустаҳкамланиши билан бевосита боғлиқ.

– Бу форум ўзаро манфаатли режаларни биргаликда амалга ошириш имконини беради, – дейди Россия Федерацияси фан ва олий таълим вазири Михаил Котюков. – Бугунги кунда ўзбекистонлик талабалар ҳам Россия олий таълим даргоҳларида таҳсил олмоқдалар. Олий таълим соҳасидаги ҳамкорлик жадал ва кўп қиррали характерга эга бўлиб бормоқда. Бу эса кадрлар тайёрлашни сифат ва миқдор жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш имконини беради.

Россия ректорлар уюшмаси президенти, М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети ректори Виктор Садовничийнинг айтишича, мазкур форум Ўзбекистон ва Россия олий таълим, илм-фан соҳасидаги муҳим воқеадир. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ҳаётга жорий этилаётган Ҳаракатлар стратегияси мамлакат тараққиётида зўр импульс бермоқда. Ўзбекистонда Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилгани халқнинг миллий анъаналарига ҳамоҳанглиги билан диққатга сазовор. Мамлакатда буюк алломалар номидаги ихтисослаштирилган ўқув муассасалари ташкил этилаётгани, жумладан, Ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернат очилгани эътиборга моликдир. Ушбу форум икки давлат олий таълим даргоҳлари ўртасида ҳамкорликни янада кенгайтиришда янги даврни очиши муқаррар.

– Бундай нуфузли даврадаги учрашув олий таълим даргоҳлари орасидаги янги алоқалар, ҳамкорликдаги режалар, қўшма дастурларни амалга ошириш имконини беради, – дейди Москва давлат халқаро муносабатлар институти ректори Анатолий Торкунов. – Ўзбекистоннинг Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети билан биргаликда кенг ҳамкорликни йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Россиянинг М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети, И. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети, Г. Плеханов номли Россия иқтисодиёт университети каби нуфузли олий таълим муассасаларининг Тошкент шаҳридаги ҳамда Россия «Миллий технологик тадқиқотлар университети «МИСиС»нинг Олмалиқ шаҳридаги филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Уларда малакали кадрлар тайёрланмоқда.

Жорий ўқув йилидан бошлаб мамлакатимиздаги тўртта олий таълим муассасасида Россиянинг нуфузли олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда икки томонлама диплом бериш бўйича қўшма дастурлар асосида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 июлдаги қарори билан Тошкент шаҳрида «Москва муҳандислик-физика институти» миллий тадқиқот ядро университети» федерал давлат автоном олий таълим муассасаси филиали ташкил этилди ва кейинги ўқув йилидан филиалда ўқув жараёнлари бошланади.

2018 йил 1 августда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Москва шаҳридаги ядро тадқиқотлари, муҳандислик-физика соҳасига оид институтлар билан магистратура бўйича ҳамкорлик қилиш юзасидан шартнома имзолади. Унга кўра мазкур олий таълим муассасасида ўзбекистонлик талабалар учун 2018/2019 ўқув йилида «Ядровий энергетика ва иссиқлик физикаси» ҳамда «Ядро физикаси ва технологиялари» мутахассисликлари бўйича қадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган.

Шу йил октябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги С. Герасимов номидаги Бутунроссия давлат кинематография институти билан институтнинг Тошкент шаҳрида филиалини очиш ва кино соҳасида етук мутахассислар тайёрлаш, малака ошириш ва тажриба алмашиш борасида ҳамкорлик қилиш бўйича келишувга эришди.

Форумда икки давлат олий ўқув муассасалари ўртасида қўшма факультетлар, Россиянинг етакчи университетларининг юртимиздаги филиалларини ташкил этиш, қўшма лойиҳалар, талабалар алмашинуви, педагоглар малакасини ошириш, маҳорат сабоқлари ва бошқа ҳамкорликдаги чора-тадбирлар бўйича кўплаб ҳужжатлар имзоланди. Жумладан, М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Бухоро, Фарғона давлат университетлари ўртасидаги ҳамкорлик келишувлари, давлат хизматчиларининг малакасини ошириш бўйича Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Россия халқ хўжалиги ва давлат хизмати академияси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ўртасидаги келишув, Тошкентда Москва давлат халқаро муносабатлар институти филиалини очишга оид мазкур ўқув муассасаси билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ўртасидаги келишув ва бошқа ҳужжатлар шулар сирасига киради.

Таълим анжумани иштирокчилари шўъбаларга бўлинган ҳолда, «Рус тили – илмий-маърифий соҳада рақобатбардошлик омили сифатида», «Ўзбекистон – Россия ҳамкорлигининг устувор тизимида техник таълим», «Иқтисодиётнинг муҳим йўналишлари учун кадрлар тайёрлашнинг шакли ва механизмлари», «Олий мактабда илм ва инновациялар» каби мавзулар асосида соҳага доир мавзуларни муҳокама этдилар.

Форум якуни бўйича Ўзбекистон ва Россия олий таълим тизимидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш бўйича якуний резолюция қабул қилинди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Москвада Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ҳайкали очилди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ислом Абдуғаниевич Россияга доимо юксак ҳурмат билан муносабатда бўлар, хусусан, унинг таълим соҳасидаги тажрибасини тез-тез тилга олар эди. У Тошкентда М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Г. В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети ва И. М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети сингари Россиянинг етакчи олий ўқув юртлари филиалларини очиш ташаббускори бўлган эди.

Ислом Каримов томонидан бошланган эзгу ишлар бугунги кунда изчил давом эттирилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистонда барча соҳалардаги ислоҳотлар янги, юксак босқичда амалга оширилмоқда.

Қарийб 900 минг нафар рус миллатига мансуб Ўзбекистон фуқаролари мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Фидокорона меҳнати учун уларнинг кўпчилиги юксак давлат мукофотларига сазовор бўлган. Республика рус миллий маданият маркази фаолият юритмоқда. Ўзбекистондаги 800 дан зиёд мактаб ва кўплаб олий ўқув юртларида таълим рус тилида олиб борилмоқда, театрлар фаолият кўрсатмоқда, китоблар, газеталар катта нусхаларда нашр этилмоқда, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар эфирга узатилмоқда.

Россия билан ўзаро манфаатли муносабатларни ҳар томонлама кенгайтириш Ўзбекистон учун устувор аҳамият касб этади. Бугунги кунда Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путиннинг саъй-ҳаракатлари билан мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқалар фаол ривожланмоқда.

Ислом Каримовнинг Москвадаги ҳайкали очилишига бағишланган маросимда сўзга чиққан Биринчи Президентимизнинг рафиқаси Т. Каримова, Россия Федерация Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Н. Фёдоров, Россия ташқи ишлар вазири ўринбосари Г. Карасин, Москва мэри ўринбосари А. Горбенко ва бошқалармамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш икки халқ манфаатларига тўлиқ жавоб бериши ва Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарор тараққиётни мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидладилар.

**ЎзА.**

# Ўзбекистон – Россия ҳудудлараро ҳамкорлик форуми



(Давоми. Боши 1-бетда)

Йиғилишда рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш имкониятлари, иқтисодиётнинг турли тармоқларига замонавий космик технологияларни қўллаш, давлат бошқаруви тизимини рақамлаштириш, миллий ахборот ресурсларини ривожлантириш каби масалалар юзасидан тармоқ компаниялари вакилларининг фикрлари тингланди. Иштирокчилар рақамли иқтисодиёт, АКТ мутахассислари тайёрлаш, жамоатчилик билан алоқалар бўйича кадрлар малакасини ошириш, рақамли телевидение фаолиятини ривожлантиришда ўзаро ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олишди.

Агросаноат комплексида кооперация ҳамкорлигини ривожлантириш мавзусида ташкил қилинган амалий семинарда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашнинг замонавий усуллари, халқаро меъёрлар бўйича якдил тизимни ташкил қилиш истиқболлари, экспорт бўйича транзит йўналишлари, қадоқлаш ва сертификатлаштириш амалиёти масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

Ўзбекистон заминида етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларига дунё бозорида талаб юқори. Ушбу соҳани жадал тараққий эттириш бўйича қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бу каби маҳсулотлар экспортини янада оширишга мустаҳкам замин яратмоқда.

2016 йилда мамлакатларимизнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 20 фоизга ўсиб, 398 миллион долларга етган. Сўнгги вақтларда бу кўрсаткич икки баробар ўсган. Семинарда мамлакатимизда етиштирилган, қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш ва турини кенгайтиришга келишиб олинди.

Форум давомида иштирокчилар Россия тармоқ корхоналарининг иқтисодий салоҳияти, имконияти ва амалиётга жорий қилинган лойиҳалари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлди.

– Ерни фазодан суратга олиш ва шу орқали илм-фан ривожига ҳисса қўшишга оид тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш фаолиятимизнинг асосини ташкил қилади, – дейди «Геоскан» компанияси директори Владислав Мисап (Россия). – Майдонлар, шаҳарларнинг 3D кўринишдаги тасвирларини олиш орқали шаҳарсозликни тўғри ташкил қилиш, кадастр ҳужжатлари, юқори аниқликдаги чизмаларни тайёрлаш мумкин. Бу замонавий архитектурада муҳим ўрин тутади. Ўзбекистонда қурилиш соҳасида мазкур технологиялардан самарали фойдаланилмоқда. Форум манфаатли келишувларга эришиш ва ўзаро қарашларимиз билан ўртоқлашиш учун қулай майдон бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳудудлараро ҳамкорлик форуми доирасида Россиянинг «Спецтяжавтотранс», «Логрокон», «ITPS», «FerMA», «Дмтел-Сервис» каби компаниялари ҳам маҳсулот ва хизматларини Ўзбекистон истеъмол бозорига олиб кириш бўйича ўз лойиҳалари тақдимотини ўтказди. Шунингдек, Россия энергетика ва муҳандислик тармоқ компанияларининг салоҳияти намойиш этилди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик янги босқичда жадал ривожланмоқда. Бу савдо-иқтисодий, инвестициявий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳалардаги муносабатлар мустаҳкамланишида, икки давлат манфаатларига хизмат қиладиган лойиҳаларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилишида ўз ифодасини топмоқда.

Энергетика секторида ҳам кенг кўламли шерикликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ўзаро фойдали илмий-технологик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда биринчи атом электр станцияси қурилиши билан боғлиқ жараёнларда «Росатом» давлат корпорацияси билан йўлга қўйилган ўқувлар бунга ёрқин мисолдир.

Анжуманда Россиянинг «НИПИГОРМАШ», «GIRAFFE», «Группа ГМС», «Интер РАО – инжиниринг» каби етакчи энергетика ва муҳандислик тармоқ компаниялари салоҳиятли импорт шартномаларини рўёбга чиқаришга қаратилган тақдимотлар ўтказди. Корхоналар фаолияти, имкониятлари, йирик лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

Россиянинг кран ускуналарини ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Giraffe» заводи вакилининг таъкидлашича, корхона 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистон бозорига кенг турдаги маҳсулотларни етказиб бермоқда. Мамлакатимизда бино ва иншоотлар қурилишида ушбу заводда ишлаб чиқарилган 8 тоннадан 16 тоннагача юк кўтариш қувватига эга кранлардан самарали фойдаланилмоқда.

Пойтахтимиздаги «Халқаро савдо маркази»да (ITC) Ўзбекистон – Россия ишбилармонлар кенгаши мажлиси ҳам ташкил қилинди. Унда икки мамлакатнинг тегишли вазирлик ва идоралари, Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд, Андижон, Наманган вилоятлари, Россиянинг Москва, Санкт-Петербург шаҳарлари, Татаристон Республикаси, Оренбург, Иванов, Ростов, Астрахань, Свердловск, Новосибирск, Тюмень, Ленинград, Нижегород, Пензан вилоятларининг 300 дан зиёд ишбилармон доира вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси А. Икромов, Россия Федерацияси саноат ва савдо вазири ўринбосари Г. Каламанов, Россия – Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши президенти, Россия Федерацияси Савдо-саноат палатаси бошқаруви ва кенгаши аъзоси Ф. Дегтярев ва бошқалар 2005 йилдан бери фаолият юритаётган мазкур кенгаш мамлакатларимиз ишбилармонлари ўртасида фаол шериклик ўрнатиш учун қулай шароит яратиш, ҳамкорликда сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш, кооперацияни ривожлантириш йўлидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этиш имконини бераётганини қайд этди.

Мажлисда Ўзбекистон – Россия ўртасидаги савдо-инвестициявий, минтақавий ва ҳудудлараро иқтисодий шерикликни янада ривожлантириш, мамлакатларимизнинг савдо айланмаси ҳажмини ошириш масалалари кенг муҳокама қилинди. Кооперация, ишлаб чиқариш, саноат, озиқ-овқат, тўқимачилик, туризм, қишлоқ хўжалиги, энергетика, транспорт-коммуникация ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди. Россиялик тадбиркорлар ҳамкорлигида мамлакатимизда ишлаб чиқариш ва транспорт-коммуникация инфратузилмасини модернизациялаш, молия институтлари билан инвестициявий лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш масалаларига кенг урғу берилди.

Ўзбекистон – Россия ишбилармонлари кенгаши, Россия Федерацияси Молия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Россия экспертлар кенгаши ва мамлакатимизнинг ҳукумат тузилмалари, давлат идоралари, етакчи компаниялари вакиллари иштирок этган очиқ мулоқот фойдали келишувларга бой бўлди. Унда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик, экспорт соҳасини кенгайтиришга бағишланган маърузалар тингланди. Машинасозлик ва электротехника, тўқимачилик саноати, ахборот коммуникациялари, соғлиқни сақлаш, нефть-газ, кимё, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат, металлургия ва кончилик, қурилиш саноати каби соҳаларда қўшма дастурларни амалга оширишга оид икки томонлама кўплаб шартномалар имзоланди.

Анжуман икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари ва истиқболлари белгилаб олиш, мамлакатларимизнинг савдо-инвестициявий, иқтисодий, илмий-техникавий соҳалардаги стратегик шериклик муносабатларини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги биринчи ҳудудлараро ҳамкорлик форуми 20 октябрга қадар давом этади.

**ЎзА.**

# Олмалиқда Россиянинг нуфузли университети филиали иш бошлади




(Давоми. Боши 1-бетда)

Ушбу жараён ўз-ўзидан малакали кадрларга эҳтиёжни пайдо қилаётир. Шу боис вилоятда саноат тармоқлари учун малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг 2018 йил 11 майдаги «Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси «Миллий технологик тадқиқотлар университети «МИСиС»нинг Олмалиқ шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

– Тошкент вилояти, хусусан, Оҳангарон воҳасида улкан қазилма бойликлари захираси мавжуд, – дейди МИСиСнинг Олмалиқ шаҳридаги филиали директори Ф. Умаров. – Уларни тадқиқ этиш, ўзлаштириш учун малакали кончи мутахассислар зарур. Тўғри, бу борада ҳар йили МИСиСга мамлакатимиздан 40 га яқин ёшлар ўқишга юборилади. Лекин бу кўзланган мақсадга эришиш учун кам. Шу маънода, мазкур филиал фаолияти йўлга қўйилгани мамлакатимиз тоғ-кон соҳасини янада ривожлантиришда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

МИСиС Олмалиқ филиалида кончилик иши, металлургия, технологик жараёнлар, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш йўналишлари ташкил этилиб, ўқув жараёнига танлов асосида юртимизнинг тажрибали мутахассислари жалб этилди. Келгуси ўқув йилидан бошлаб таълим жараёнига Россия ва хориждаги етакчи олий ўқув юртларидан тажрибали ўқитувчилар ҳам жалб этилиши режалаштирилмоқда.

2018-2019 ўқув йилида таълим муассасасига 150 йигит-қиз ўқишга қабул қилиниб, уларнинг пухта билим эгаллаши учун барча шароит яратилган. Жумладан, 1 минг 200 ўринга мўлжалланган замонавий бино, қарийб 150 ўринли ётоқхона, замонавий жиҳозланган компьютер ва лаборатория хоналари, спорт майдони ва ошхона талабалар ихтиёрида.

**А. ХУДОЙҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Сирдарё вилоятида Россия Федерацияси билан ҳамкорликда ташкил этилган 22 қўшма корхона фаолият юритмоқда.

# Маҳсулот тури ва ишлаб чиқариш қуввати оширилади

«Sirdaryo mega luks» МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон – Россия қўшма корхонаси шулар жумласидандир.

– Маҳсулотларимиз сифати юқорилиги ва рақобатбардошлиги билан ажралиб туради, – дейди қўшма корхона раҳбари Муҳиддин Норматов. – Айни пайтда 2 та цехда полипропилен грануласидан 200 хилдан ортиқ турли ҳажмдаги қадоқлаш маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Корхона йилига 130 миллион донадан ортиқ ана шундай маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Уларнинг 25 миллион донадан ортиғи хорижга чиқарилади. Экспорт асосан Қозоғистон, Россия, Украина, Афғонистон, Қирғизистон каби давлатларга амалга оширилмоқда. Ўтган йили 3 миллион 300 минг долларлик маҳсулот экспорти амалга оширилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич янада ошиши кутилмоқда.

Хомашёни импорт қилиш бироз қимматга тушаётганини ҳисобга олиб, корхона 250 миллион долларлик лойиҳани амалга оширишни режалаштирмоқда. Бунда маҳсулот таннархи анча арзонлашиб, ишлаб чиқаришнинг хомашё билан узлуксиз таъминланишига эришилади. Шунингдек, кейинчалик қишлоқ хўжалиги учун махсус плёнка ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Мутасаддиларнинг таъкидлашича, корхонада қиймати 350 миллион долларлик 5 та лойиҳа устида иш олиб борилмоқда. Яқин йилларда маҳсулот тури 300 га, ишлаб чиқариш қуввати 10 баробарга ортади. Барча лойиҳалар амалга оширилгач, 2 минг 500 кишининг доимий бандлиги таъминланади.

Қўшма корхонада ишчиларнинг самарали меҳнат қилиши ва дам олиши учун барча шароит яратилган. Маънавият хонаси, мўъжазгина кутубхона, тиббиёт ва ювиниш хоналари, ошхона улар ихтиёрида. Ходимлар 2 маҳал иссиқ овқат, махсус кийим-бош билан таъминланган, ишга келиб-кетиш учун махсус транспорт ажратилган.

**Абдужалол ҚАЮМОВ,**
**ЎзА мухбири.**



Тадбирга ташриф буюрган маҳаллий мутахассисларда кўргазма ва конференция доирасида кореялик меҳмонлар томонидан ўтказилган тақдимотлар алоҳида қизиқиш уйғотганини айтиб ўтиш жоиз.



## Ўзбекистон – Жанубий Корея: қурилиш соҳасидаги ҳамкорлик ривож топмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тадбирни Корея Республикасининг фуқаролик қурилиши ва қурилиш технологиялари институти президенти Хан Синг Хон (Han Seung Heon) очиб бериб, Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида тобора ривожланиб бораётган алоқалар ҳақида, кўргазма ва конференция ана шу муносабатларни янада тараққий этишига хизмат қилишини айтиб ўтди.

Шундан сўнг сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазири ўринбосари Козим Тўлаганов бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган улкан ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари, аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, мазкур тадбирнинг аҳамияти ҳақида гапирди.

– Ушбу анжуман мамлакатимиз қурилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган идоралар, лойиҳа ташкилотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчилар учун ҳар томонлама фойдали бўлиши аниқ, – деди у. – Зеро, қурилиш саноатининг мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда тутган ўрни тобора ортиб бораётган бугунги кунда соҳада ўз ечимини кутаётган кўплаб муаммолар вужудга келаётганини кўришимиз мумкин. Мазкур камчиликлар, ўз навбатида, тармоққа замонавий стандартлар, инновацион ғоя ва технологияларни жалб этишни талаб этмоқда. Масалан, ҳозир амалда бўлган, 1960-70-йилларда ишлаб чиқилган қурилиш меъёрлари ва қоидаларининг ўз вақтида янгиланмагани, қонунчиликдаги баъзи камчиликлар, шунингдек, ёш, малакали мутахассисларнинг етишмаслиги каби муаммоларни олайлик. Уларни ҳал этмай туриб, соҳани ривожлантириб бўлмайди.

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Ботир Зарипов мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22-25 ноябрь кунлари Жанубий Кореяга амалга оширган ташрифи чоғида Корея Республикасининг фуқаролик қурилиши ва қурилиш технологиялари институти ва «Ўзқурилишматериаллари» АЖ ўртасида Ўзбекистонда Қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни тадқиқ этиш ва ривожлантириш марказини ташкил этиш бўйича келишув имзоланганини, айнан ана шу меморандум бандларини бажариш доирасида KICT профессорлари 2018 йил октябрь ойида Тошкент шаҳрида халқаро анжуман ўтказиш юзасидан қарор қабул қилганларини таъкидлади.

– Айни кунда «ҚурилишматериаллариЛИТИ» МЧЖ ихтисослаштирилган лойиҳа илмий-тадқиқот институти ва KICT ўртасида илмий-техник алоқаларни ўрнатиш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, – деди у. – Умуман олганда, икки давлат ўртасидаги алоқаларнинг яхшиланиши, шу жумладан, бугунги тадбир мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини янада оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.





Конференцияда Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки (ИТБ) каби халқаро молиявий муассасалар экспертлари иштирок этиб, мамлакатимизда ўзаро ҳамкорликда амалга оширилган ва истиқболдаги лойиҳалар ҳақида маълумот бердилар.

– 1975 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган Ислом тараққиёт банкининг бош қароргоҳи Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида жойлашган, – дейди ИТБ вакили Ҳусан Ҳасанов. – 2003 йилда Ўзбекистон билан дастлабки алоқаларни ўрнатган мазкур молия муассасаси ўтган давр мобайнида мамлакатда таълимни ривожлантириш, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини яхшилаш, уй-жойларни қуришда энергия тежамкор технологиялардан фойдаланиш каби лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда фаол қатнашди.

Шу ўринда тадбирга ташриф буюрган маҳаллий мутахассисларда кўргазма ва конференция доирасида кореялик меҳмонлар томонидан ўтказилган тақдимотлар алоҳида қизиқиш уйғотганини айтиб ўтиш жоиз.

Хусусан, BYUCKSAN корпорацияси директори Ким Чхол Унг мазкур компания томонидан таклиф этилаётган изоляцион ташқи қопламалар тизими бўйича тақдимот ўтказган бўлса, Connect Brick компанияси раҳбари Чжанг Хонг Сок бир-бирига бириктириладиган ғиштлар, HENCE вакили Со Сонг Квон эса еrости йўлларни қуришда фойдаланиладиган пўлат қувурлар ёрдамида қўлланилидиган STRUT усули ҳақида тадбирга йиғилганларга батафсил маълумот бердилар.

Бундан ташқари, KICT катта илмий ходимлари – техника фанлари доктори Чо Донг Ву Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида энерготежамкор технологиялар бўйича уйлар қуриш лойиҳасини қай тартибда амалга оширилаётгани, доктор Хонг Ильпё Ўзбекистон Республикаси сув ресурсларини АКТ ёрдамида бошқариш ахборот тизимини ривожлантириш лойиҳаси истиқболлари, фалсафа доктори (Ph.D.) Ю Пёнг Жун шиша толали махсус материал билан мустаҳкамланган асфальтбетон маҳсулоти бўйича тақдимот қилдилар.

Хулоса ўрнида, бугун 19 октябрь куни мазкур тадбир доирасида Жанубий Кореянинг Ер ресурслари, инфраструктура ва транспорт вазирлиги, Корея Республикасининг фуқаролик қурилиши ва қурилиш технологиялари институти ҳамда Heerim Architects & Planners компанияси билан бир нечта меморандумлар имзолаш кўзда тутилганини таъкидлаб ўтиш мумкин.

**Шуҳрат ХЎЖАЕВ,**
**Абдумуталлиб ЎКТАМОВ (фото)**
**«O`zbekiston bunyodkori»**
**мухбирлари.**

Аналог американской Уолл-стрит появится в Ташкенте. До конца 2021 года на территории МДЦ Tashkent City появится крупнейший в стране финансовый центр.

## Банки переедут в Tashkent City



Здесь будут находится головные офисы ведущих банковских учреждений Узбекистана – Асака, Алока и Узпромстройбанка. Все они, по решению Административного совета МДЦ Tashkent City, являются инвесторами Лота №6, также как специализированная строительная компания из Южной Кореи – Bomi Engineering & Construction Co Ltd.

Здания будут высотой 26, 28 и 33 этажа. За помощью в сооружении решено было обратиться в китайскую строительную и инжиниринговую компанию Shanghai Construction Group, которая входит в Топ-20 крупнейших строительных организаций в мире.

Все предварительные договорённости по сотрудничеству с компанией из КНР уже достигнуты, финансовые учреждения уже предоставили в Дирекцию МДЦ детальный дизайн-концепт высотных сооружений. Известно, что начальный бюджет каждого из них будет порядка 80 млн долларов США.

Инвесторы уже предоставили концепт-дизайн зданий. У всех четырёх будет общая подземная парковка, офисы будут отвечать требованиям премиум класса.

В настоящее время полным ходом идут работы по проектированию высоток и уже вначале 2019 года начнётся строительство объектов.

## «КАМАЗ» начал выпуск грузовых авто на газе

В Ташкенте прошла презентация автомобилей «КАМАЗ» работающих на компримированном метане.




В ноябре 2017 года «Узавтосаноат» и «КАМАЗ» подписали договор об организации производства грузовых автотранспортных средств в Узбекистане. В марте российский автопроизводитель приступил к сборке на производственных площадях UzAutoTrailer в Самаркандской области. Производственная мощность сборочной площадки – 1500 грузовиков в год с последующим увеличением до 3000 единиц ежегодно.

По мнению заместителя премьер-министра Нодира Отажонова, принявшего участие в презентации, выбор Узбекистана как площадки для сборки газовых автомобилей «КАМАЗ» связан с развитой инфраструктурой сети автомобильных газонаполнительных компрессорных станций в республике.

До конца 2019 года на предприятии планируется выпустить до 500 грузовых автомобилей «КАМАЗ» на метане двух модификаций. Основная их часть будет реализована на внутреннем рынке для сектора жилищно-коммунального хозяйства и транспортных перевозок.

Разработкой и установкой газомоторного оборудования и двигателей, а также сервисом техники будет заниматься узбекско-российское совместное предприятие «RariTEK Gas Engineering».

Сегодня на мощностях предприятия собрано порядка 400 автомобилей «КАМАЗ» 11 моделей грузоподъемностью от 10 до 36 тонн. Грузовики оснащены двигателями мощностью от 240 до 401 лошадиных сил, отвечающих стандартам Евро-3 и Евро-4.

Кроме того, UzAutoTrailer и «КАМАЗ» создали совместное предприятие KAMAZ Asia Center по развитию сервисной сети на территории Узбекистана. Она охватит 10 областей страны.

Также «Узавтосаноат» и «КАМАЗ» договорились, что проработают вопрос экспорта комплектующих деталей узбекского производства на главный сборочный конвейер «КАМАЗ». Такие детали, как автомобильные аккумуляторы и провода, могут поставляться из Узбекистана в Россию на реализацию через торгово-сервисную сеть «КАМАЗ».

**Наш корр.**

«Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлаш ва уй-жой коммунал хизматлар кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун Президент томонидан имзоланди.

## Тўловлар 100 фоиз олдиндан тўланади

Адлия вазирлигининг «Ҳуқуқий ахборот» каналидан билдирилишича, эндиликда мазкур қонунга мувофиқ давлат ва хусусий уй-жой фондларида кўрсатиладиган сув таъминоти ва сувни чиқариб юбориш (канализация) хизматлари учун мажбурий тўловлар олдиндан 100 фоизлик ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади.

Ушбу тўловлар тўланмаганида сув таъминоти ва сувни чиқариб юбориш (канализация) тизимларидан тўлиқ узиб қўйишгача бўлган чоралар кўрилади.

Шунингдек, киритилган қўшимчаларга мувофиқ пенсионер пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг пенсиядан ортиқча тўланган суммаларни ушлаб қолиш тўғрисидаги қароридан норози бўлган тақдирда, аниқланган қарздорлик суд тартибида, уч йилдан кўп бўлмаган давр учун ундирилиши белгиланди.

## Қашқадарё вилоятида нечта боғча бор?

Қаршида мактабгача таълим тизимида олиб борилаётган ишлар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Қашқадарё вилояти мактабгача таълим бошқармаси масъул ходимлари, тегишли идоралар вакиллари ва журналистлар иштирок этган анжуманда сўнгги йилларда мактабгача таълим тизимида каттаислоҳотлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Вилоятда жорий йил бошида 328 мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда бундай муассасалар сони 345 тага етди. Агар 223 та нодавлат мактабгача таълим муассасаси ҳам фаолият юритаётганини ҳисобга олсак, вилоятда жами болалар боғчаси сони 568 тани ташкил этмоқда.

Айни пайтда вилоятда давлат хусусий шерикилиги асосида жами 68 нодавлат мактабгача таълим муассасаси ташкил этишга киришилган. Бунда биринчи босқичда «ноль» қийматда ажратилган ер ва бинолар негизида 33 та, яъни 43 миллиард 840 миллион сўмлик нодавлат мактабгача таълим муассасаси ташкил этилмоқда. Иккинчи босқичда 35 нодавлат мактабгача таълим муассасаси ташкил этиш учун жами 18 миллиард 460 миллион сўмлик сармоя йўналтирилиши режалаштирилган.

Бундан ташқари, вилоятда «Обод қишлоқ» дастури доирасида 21 мактабгача таълим муассасасида 45 миллиард 372 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бориш назарда тутилган бўлиб, бугунги кунда уларнинг 12 таси фойдаланишга топшириш учун тайёр.

«Обод маҳалла» дастури доирасида ҳам жорий йилда 3 мактабгача таълим муассасасида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиши режалаштирилган. Бу лойиҳалар ҳам йил охирига қадар якунланади.

**Ўлмас БАРОТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Қишга тайёргарлик – муҳим вазифа

## Мактабгача таълим муассасалари қишги мавсумга шай

Сурхондарё вилоятида 300 дан ортиқ давлат ва давлат шериклик асосидаги хусусий мактабгача таълим муассасасида 36 мингга яқин бола таълим-тарбия олмоқда. Мазкур мактабгача таълим муассасаларида куз-қиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрилди.

Жорий куз-қиш мавсумида мактабгача таълим муассасалари барқарор ишлашини таъминлаш учун тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Қизириқ туманида фаолият юритаётган мактабгача таълим муассасаларида куз-қиш мавсумини кўнгилдагидек ўтказиш учун барча шароит яратилмоқда. Аҳамиятлиси, мавсумга тайёргарлик ишларини ҳар йилгидан эрта ва сифатли якунлашга алоҳида эътибор берилди. Шу мақсадда мавсумга етарли ёқилғи – 100 тоннадан ортиқ брикет ғамланди. Биноларнинг том қисми таъмирланиб, яроқсиз ойналар алмаштирилди. Иситиш тизимлари синовдан ўтказилиб, ишга тушириш учун тахт қилиб қўйилди.

Вилоятда мавжуд мактабгача таълим муассасалари биноларининг 289 метр квадрат том қисми, 700 метр квадратга яқин иссиқлик тизими таъмирланди. 70 га яқин иситиш қозони алмаштирилди. Яроқсиз ойналар янгиси билан алмаштирилди. Иситиш тизимлари юқори босим остида ювилиб, синовдан ўтказилди.

– Боғчаларда мавсум учун барча шароит яратилиб, етарли миқдорда ёқилғи материаллари ғамланмоқда, – дейди вилоят мактабгача таълим бошқармаси



бошлиғи ўринбосари З. Тўлаганов ЎзА мухбири Х. Маматрайимов билан суҳбатда. – Бу йил 2 минг 103 тоннадан ортиқ брикет ва 887 тоннадан ортиқ кўмир ёқилғиси жамғариш режалаштирилган. Ҳозиргача 2 минг тоннадан ортиқ ёқилғи белгиланган тартибда муассасаларга етказиб берилди.

Жорий йилда маҳаллий бюджетдан ажратилган 3 миллиард 141 миллион сўмдан ортиқ маблағ эвазига 30 га яқин мактабгача таълим муассасаси таъмирланиб, тарбияланувчиларга барча замонавий шароитлар яратилди. Термиз шаҳридаги 16-, Қизириқ туманидаги 3-мактабгача таълим муассасалари жорий таъмирланди. Қатор муассасаларнинг эшик-ромлари янгисига алмаштирилди, атрофи девор панжаралар билан ўралди.

**МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**«PESH TEX INVEST» МЧЖ**

**қуйидаги объект бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:**

Бухоро вилояти, Пешку туманида «PESH TEX INVEST» МЧЖ тўқимачилик фабрикаси қурилиши.

**Буюртмачининг бошланғич қиймати –**
75 726 697 770 сўм ҚҚС билан;
63 105 581 475 сўм ҚҚСсиз.

**Қурилиш ишларини тугатиш муддати –** 2019 йил 31 декабрь.

**Буюртмачи:** «PESH TEX INVEST» МЧЖ.

**Манзили:** Бухоро вилояти, Пешку тумани, «Зандани» ҚФЙ, «Зандани» қишлоғи.

**Телефон:** (998 90) 125-61-00.

**Қурилиш ишларини молиялаштириш манбаси:** ташаббускор (инвестор) Белорусия Республикасининг «БПХО» ОАЖ маблағлари ҳисобидан.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

**Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:** қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси – Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Бухоро вилояти ҳудудий консалтинг марказининг қуйидаги манзилига мурожаат қилиш мумкин:** Бухоро шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 6-уй.

**Телефон/факс:** 65-223-97-51, 65-223-96-29.

**Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати** – 120 000 сўм.

Таклиф (оферта)лар танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклиф (оферта)ларни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – оферталар очилиши куни ва соати.

**Таклиф (оферта)лар очилиши эълон матбуотда берилган санадан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:** Бухоро шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 6-уй.

**Изоҳ:** таклиф (оферта)лар очилишининг аниқ куни ва соати талабгор пудратчи ташкилотларга қўшимча тарзда танлов савдолари ташкилотчиси томонидан маълум қилинади.

Тошкент тижорат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи томонидан 2015 йил Қобилов Авазжон Илхомжон ўғлига берилган (К №4038240, регистрация №541) диплом йўқолгани сабабли **бекор қилинади.**

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қошидаги муҳандислик қурилиш бошқармаси таркибидаги ҳарбий хизматчилар Андижон вилоятидаги қурилиш корхоналари бунёдкорлари билан елкама-елка меҳнат қилишмоқда.



# Кундан кун чирой очаётган Андижон

Андижон нафақат водий кентлари, балки республикамиз шаҳарлари орасида ҳам ҳар жиҳатдан ривож топиб бораётган аҳоли масканларидан биридир. Мазкур шаҳарнинг кенг ва равон автомобиль йўллари, янгидан қад ростлаган осмонўпар турар жойлари, турли таълим муассасаларининг кўркам ва шинам бинолари, спорт мажмуалари, бетакрор маданият ва истироҳат боғлари киши эътиборини тортиб, мафтун этади.

## ВОДИЙНИНГ КЎРКАМ ШАҲРИ

Ҳар йили бўлгани каби бу йил ҳам юртимиз гўшаларида бўлиб, у ерларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кўриш, ана шу ишларда жонбозлик кўрсатаётган инсонлар ҳақида мақола ёзиш илинжида сафаримизни Андижон вилоятидан бошладик.

Аҳолиси зич жойлашган Андижон вилоятида кейинги икки йил давомида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бугун нафақат Андижон шаҳрига, балки унинг чекка ҳудудларига ташриф буюрган киши унинг бунчалик тез фурсатда ўзгача чирой касб этганини кўриб завқи ошади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 ноябрдаги «2017 – 2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори доирасида амалга оширилган кенг кўламдаги улкан бунёдкорлик ишлари вилоят маркази – Андижон шаҳрини таниб бўлмас даражада ўзгартириб, озод юртимизнинг обод масканларидан бирига айлантириб юборди, десак асло муболаға бўлмайди.

***Азамат ШОКИРОВ, Андижан вилояти ҳокимлигининг Саноат, капитал қурилиш, коммуникациялар, транспорт, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш малалалари мажмуаси котибияти мудири:***



*– «Мустақиллик» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Бобуршоҳ, Пушкин ҳамда «Мангулик» кўчаларининг текисланиб, кенгайтирилиши ва бу ерда улкан қурилиш ишлари амалга оширилиши сабабли айрим фуқароларнинг пана-пастқам, таъбир жоиз бўлса «обший двор» типидаги уй-жойлар бузилиб хонадон эгалари учун бошқа жойдан замонавий уй-жойлар тикланди.*

Мазкур қарорга асосан ўтган йили вилоят марказида 7 та кўп қаватли, жами 294 хонадонга мўлжалланган замонавий турар-жой бинолари барпо этилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган сананинг 25 йиллиги арафасида ўз эгаларига топширилган эди. Жорий йилда ҳам Андижон шаҳрининг Қўшариқ даҳасида, А. Ҳайдаров ҳамда А. Мусаев кўчаларида 14 та 7 қаватли турар-жой биноларини барпо этиш кўзда тутилган эди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг шу йилнинг 19-20 май кунларидаги Андижон вилоятига қилган ташрифи чоғида берган топшириқларига биноан аҳолининг уй-жойга талаб ва исталари атрофлича ўрганилиб, қўшимча равишда 6 та, жами 20 та 7 қаватли турар жой бинолари бунёд этилмоқда. Мазкур турар жой бинолар бош пудратчи «Хокон авто инвест» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан барпо этилмоқда. Шунингдек, қурилиш-монтаж ишларида «Барака файз ихтисослашган қурилиш», «Промстрой», «Радиус сервис», «Камолот авто инвест», «Истиқлол қурувчи элит» каби масъулияти чекланган жамияти аъзолари ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан жорий йил якунига қадар 840 та оила замонавий хонадонларига эга бўлишади.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда Андижон шаҳрининг деярли барча маҳалла ва мавзеларида улкан бунёдкорлик, кенг кўламдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Замон талабларига жавоб бермай қолган кўчалар кенгайтирилиб, равонлаштирилмоқда. Кўчанинг икки тарафидаги пана-пастқам алмисоқдан қолган уй-жойлар бузилиб, улар ўрнида замонавий турар-жойлар бунёд этилмоқда. Бунинг натижасида Андижон шаҳрининг мафтункорлиги янада ошиб, шаҳар инфратузилмаси жаҳон андозалари даражасига тенглашиб бораётир.

– Янги қурилишлар сабабли, уй-жойи бузилган оилаларга вилоят ҳокимлиги томонидан тузилган ишчи гуруҳ аъзоларининг хулосасига кўра, Хўжаобод тумани ҳудудидан ер ажратилган, – дейди Азамат Шокиров. – Шунингдек, кам таъминланган оилаларга маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 2 сотихли 2 хонали турар жойлар тортиқ этилмоқда. Мустақиллигимизнинг 27 йиллиги байрами арафасида «Андижон намунаси» сифатида арзонлаштирилган намунавий лойиҳалар асосида жами 189 та 2 сотихли уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу аҳоли масканида 5 километр табиий газ, 6 километр электр, 4 километр тоза ичимлик суви тармоқлари тортилиб, 2 та сув сақлаш иншооти ҳамда ички йўллар бунёд этилди. Бундан ташқари 216 ўринли умумтаълим мактаби, 100 ўринли мактабгача таълим муассасаси, 50 қатновли оилавий поликлиника бунёд этиш ишлари ҳам жадал суръатларда олиб борилмоқда. Масаланинг эътиборли жиҳати мазкур таълим даргоҳларида меҳнат қилувчи мактаб ўқитувчилари учун 35 та, боғча мураббийлари учун 15 та уй-жойлар қурилиши борасида ҳам муайян ишлар бажарилди.

## ХЎЖАОБОД НАМУНАЛИ МАСКАН БЎЛАДИ

Хўжаобод туманига қарашли ҳудудлар Андижон шаҳрининг Боғишамол маданият ва истироҳат боғига туташиб кетади. Туманнинг Хидиршо массиви айни кунларда улкан қурилиш, кенг кўламдаги бунёдкорлик майдонига айлантирилган. Вилоят ҳокими Шуҳратбек Абдураҳмонов ҳам ҳар куни бу ерга келиб олиб борилаётган ишлар билан танишиб, барча зарур шароитни яратишга кўмаклашмоқда. Президентимиз топшириғига асосан «Андижон намунаси» сифатида бунёд этилаётган 420 та намунавий лойиҳадаги турар-жойларни ўз муддатида барпо этиш ва ўз эгаларига топшириш вилоят ҳокимидан тортиб оддий қурувчилар зиммасига қай даражада улкан масъулият юкланганини бу ерда олиб борилаётган юксак иш суратидан ҳис этиш мумкин.









***Зафар АЛИҚУЛОВ, оддий аскар:***



*– Мен асли Қашқадарёнинг Қамаши туманиданман. Ҳарбий хизматга шу йилнинг февраль ойида чақирилганман. Илгари қурилишда сувоқчилик қилиб бу соҳанинг озми-кўпми ҳадисини олганман. Ҳозирда ғишт териш, бетон қориш ва ҳатто чилангарлик қилишни ўргандим. Ҳарбий хизматни тугаллагач, ҳуқуқшунослик соҳаси бўйича олий ўқув юртига ўқишга киришни мақсад қилганман.*

– Юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари ҳажми ва моҳияти тобора юксалиб бораётгани бежиз эмас, – дейди вилоят ҳокими Шуҳратбек Абдураҳмонов. – Бу ишлар Муҳтарам Юртбошимизнинг халқимизга, айниқса, кўмакка муҳтож оилаларга кўрсатилаётган юксак эътибори, шу азиз Ватанни янада обод юртга айлантиришдек эзгу ва олижаноб ғояларнинг амалдаги ижросидир. Вилоятимизда олиб борилаётган улкан қурилиш ишларига пойтахтимиздан қўшимча ёрдам кучларининг ажратилиши аҳолимизни беҳад хурсанд этмоқда. Хусусан, Президентимизнинг бевосита кўрсатма ва топшириқларига асосан шу йилнинг 8 сентябрь куни Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қошидаги махсус муҳандислик қурилиш бошқармасининг 453 нафар муддатли ва шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилари Андижонга келишди. 9 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Турсунхон Худойбергенов бошчилигида ҳарбий хизматчилар ва мутасадди раҳбарлар иштирокида йиғилиш ўтказилиб, уй-жойлар қурилишини амалга ошириш юзасидан топшириқ ва кўрсатмалар берилди. Амалий кўмак учун аввало давлатимиз раҳбарига, қолаверса, барча ҳарбийларимизга миннатдорлик билдирамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 июлдаги ПҚ-3889-сонли қарорига асосан ташкил топган Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қошидаги муҳандислик қурилиш бошқармаси ҳарбий хизматчилари Андижон вилоятида фаолият кўрсатаётган «Юксак обод қурилиш», «Андижон тезкор қурилиш», «СП ПЛЮС» каби корхоналар бунёдкорлари билан елкама-елка меҳнат қилишмоқда.

– «Ҳашар элга ярашар», дея, фикрини баён этади ФВВ қошидаги махсус муҳандислик қурилиш бошқармаси штаб бошлиғи ўринбосари, майор Азизбек Сатторов. – Мамлакатимиз Президентининг 2018 йил 29 мартдаги «Обод қишлоқ» дастури тўғрисида»ги фармони ҳамда «Обод қишлоқ» дастурини 2018 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан Андижон вилоятида улкан бунёдкорлик ишларини бошлаб юборилгани, бизларни беихтиёр водийга, улкан халқ ҳашари сари етаклади. Андижонликларнинг меҳмоннавозлиги эса ҳар бир ҳарбий аскар қалбида, ўз Ватанига, юртдошларига бўлган меҳр-муҳаббатни янада жўштириб юборди. Шу боис, Зафар Алиқулов, Сирожиддин Абдумўминов, Мусулмон Саидвалиев, Абдулвосит Абдуллаев, Шерзод Амирбоев каби оддий аскарларимизнинг бажараётган ишлари умумли ва сифатли бўлмоқда. Бунёдкорлик ишларида қатнашаётган ҳарбий хизматчилар учун яратиб берилган қулайлик ва шарт-шароитлар таҳсинга лойиқдир. Ҳозирда бошқармамиз таркибига кирувчи бўлинмалар Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилоятида ҳам «Обод қишлоқ» давлат дастурига асосан обод масканларга айланиб бораётган қишлоқларда меҳнат қилишмоқда.

***Абдурасул АЛИЁРОВ, «СП ПЛЮС» МЧЖ раҳбари:***



*– Қурилиш ташкилотимиз ишчи-хизматчилари Андижон вилоятидаги кўплаб қурилиш объектларида меҳнат қилишмоқда. Ҳар бир бинони пишиқ-пухта, сифатли қуриш биздан катта масъулиятни талаб этади. Шу сабабли олдимизга қўйилган вазифа ва ишончни сидқидилдан адо этишга бел боғлаганмиз.*

– Ўзим андижонлик бўлганим сабабли бу ердаги қурилиш ишларида иштирок этиш мен учун хизматдошларимга нисбатан икки ҳисса масъулият юклайди, – дея суҳбатимизга қўшилди оддий аскар Сирожиддин Абдумўминов. – Мен Андижоннинг янада кўркам, обод масканлардан бирига айланаётганидан жуда хурсандман. Йиллар ўтиб мана шу йўллардан ўтаётганимда бу уйларни қуришда мен ҳам иштирок этганман, дея ифтихор билан фарзандларимга сўзлаб бераман. Ҳарбий хизмат инсонни чиниқтиради, уни Ватанга, мана шу юрт халқига қандай хизмат ва меҳнат қилиш кераклигини ўргатади. Шу сабабли мен ҳаётимни ҳарбийликка бағишламоқчиман. Мана шу юртимга, Президентимга хизмат қилмоқчиман.

Аввало айтиш керакки, бунёд этилаётган бу уйлар кам таъминланган, ногирон ва уй-жойга муҳтож аҳоли қатламига мўлжаллаб қурилмоқда. Шу сабабли уларни барпо этишда ана шу жиҳатларга эътибор қаратилган. Юқорида бу ерда аҳоли учун ҳеч бир шароит йўқлигини тилга олгандик. Янги уйлар қурилиши баҳонасида бу ерга газ қувурлари ўтказилиб, ичимлик суви келтирилди, туну кун электр билан таъминлаш учун янги бетон симёғочлар ўрнатилиб, юқори вольтли электр симлари тортилди. Аҳолининг ҳар жиҳатдан мукаммал яшаши учун, шу ернинг ўзига ижтимоий соҳа объектлари – мактабгача таълим муассасаси, поликлиника, сув ҳавзаси, савдо мажмуалари ва ҳатто, аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш корхоналари барпо этиш кўзда тутилган.

Икки хонали, 2 сотихли қурилаётган бу уйлар яқинида яна бир нечта 3 қаватли уйлар қурилаётгани ҳақида хабар топдик. Режа бўйича бу ерда 20 та кўп қаватли уйлар бунёд этилиши режалаштирилган. Қурилиш ишлари бошлаб юборилган ушбу манзилда ҳам бунёдкорлик авжида эканига гувоҳ бўлдик. Кўп қаватли бу уйларни пишиқ-пухта барпо этилишида қурувчи-муҳандислар билан бирга ҳарбий хизматчилар иштирок этишмоқда.

– Бугунги кунда жамиятимизда 94 нафар, мавсумий ишлар вақтида эса 200 нафар ишчи меҳнат қилади, – дея суҳбатни давом эттирди «СП ПЛЮС» МЧЖ иш юритувчи Лочинбек Шерғозиев. – Дарҳақиқат, қурилган ҳар бир иморатимиз халқимизга кўп йиллар хизмат қилиши учун меҳнат қиламиз. Қурилаётган бу уйларда ҳам ҳамюртларимиз эмин-эркин яшашлари учун уларни сифатли барпо этишга ҳаракат қиламиз.



## ЮРТ ОБОД – ЭЛ ФАРОВОН

Андижон вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси лойиҳаларни бошқариш ва қурилишни техник кузатиш бўлими бошлиғи Обиджон Исмоиловни қизғин иш жараёнида, яъни бир гуруҳ аскарлар даврасида учратдик.

– Бу ердаги ишлар кундан-кунга қизғин паллага кириб бормоқда, – дейди Обиджон Исмоилов. – «Мустақилликнинг 27 йилллиги» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида қўшимча равишда яна 20 та 3 қаватли 18 хонадонга мўлжалланган уй-жойларни тиклаш ишлари ҳам режалаштирилган бўлиб, айни кунларда тупроқ ва бетонлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Шунингдек, бу ерда маҳалла фуқаролар йиғини, матомсаро она майдони, 630 ўринли умумтаълим мактаби, 140 ўринли мактабгача таълим муассасаси, 400 ишчи ўринли тикув ва тўқув фабрикаси, спорт-соғломлаштириш маркази, маданият маркази, миллий ҳаммом, минимаркат, кимёвий тозалаш маскани, гўзаллик салони ҳамда бошқа турдаги савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари бунёд этилади. Ушбу ишлар доирасида 9 км йўл, 10 км электр тармоғи, битта нимстанция, 6 км табиий газ, 9,6 км тоза ичимлик суви, 1000 метр куб сиғим заҳирага эга сув иншооти қуриш режалаштирилган.

***Обиджон ИСМОИЛОВ, Андижон вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси лойиҳаларни бошқариш ва қурилишни техник кузатиш бўлими бошлиғи:***



– Бир вақтлар бу ерлар қаровсиз жойлар бўлган. Мана энди қаранг, кўрсангиз кўзингиз қувнайдиган гўзал масканга айланди. Энг таҳсинга сазовар жойи шуки, бу ерда қурилаётган янги умумтаълим мактаби ўқитувчилари учун алоҳида уй-жойлар берилди. Ҳатто, бунёд этилаётган мактаб ишга туширилгунча ушбу ердага мактаб ўқувчилари учун махсус транспорт ажратилиб, уларнинг ўқишга бехавотир бориб келишларига шароит яратилди. Яна 6 ойдан сўнг бу ерга келсангиз, лойиҳадаги барча бино-иншоотлар ишга туширилса, тамомила ўзгача манзарани кўрасиз.

Суҳбатдошимиз ҳамроҳлигида Мустақиллик байрами арафасида ўз эгаларига топширилган янги «Мустақилликнинг 27 йиллиги» маҳалла фуқаролар йиғини тасарруфидаги уй-жойлар жойлашган масканга бордик. Худди аскарлардек бир хил саф тортган уйларнинг кўрки кишининг қалбига шуур бағишлайди.

Ҳа, Андижон ҳар жиҳатдан ривожланиб, юксаклик сари дадил одимламоқда. Яратувчанлик, яшнатувчанлик ишқи билан ёниб яшаётган андижонликларга ва уларга камарбаста бўлаётган юртдошларимизларга бажараётган эзгу ишларида куч-қувват ва омад тилаймиз. Вилоятда амалга оширилаётган барча бунёдкорлик ишларини биргина мақолада жам қилиш жуда мушкул. Шу сабабли Андижондаги ободлик ишларини мунтазам ёритиб боришни кўнгилга тугдик.

**Дилшод ЖАЛОЛОВ,**
**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**Шуҳрат ХЎЖАЕВ,**
**Эшмуҳаммад ХАЛИЛОВ (фото),**
**«O'zbekiston bunyodkori»нинг махсус мухбирлари.**
**Тошкент – Андижон – Тошкент.**







O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

Муассис: «ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» Нашриёт уйи МЧЖ

Бош директор – Дилшод Жалолов

**Таҳрир ҳайъати:**
Ботир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Шухратходжа Хашимов, Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Бўрибой Бекмурзаев, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков, Обиджон Носиров.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир – **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари – **Абдумуталлиб Ўктамов**
Саҳифаловчи – **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ – **Дилфуза Хабибова**

**Таҳририят ҳамкорлари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзқурилишматериаллари» АЖ, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, қурилиш ва лойиҳалаш институтлари.

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** (қабулхона) 71-244-21-71, (котибият) 71-244-05-15 (факс), 71-244-15-13, (бухгалтерия) 71-244-22-10, (реклама ва обуна бўлими) 71-244-21-71, 71-244-40-68 (факс).
**E-mail:** uzbunyodkor@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**
**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича:** 90-278-95-87.
**Қашқадарё вилояти бўйича:** 90-720-33-03.
**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича:** 93-466-74-84.
**Самарқанд вилояти бўйича:** 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-1007.
2349 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Д. Жалолов.
**Навбатчи** – Ш. Хўжаев.

ЎзА якуни – 04.50. Топширилди – 05.35.

12345